**Тарқатма материалнинг таъминий нусхаси**
**ФСМУ технологияси**

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга ,эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда бахслашишга, эгалланган билимларни тахлил қилишга, қай даражада эгалланганликларини бахолашга хамда тингловчиларни бахслашиш маданиятини ўргатади.

| | |
|---|---|
| Ф | Фикрингизни баён этинг. |
| С | Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг |
| М | Кўрсатилган сабабни тушинтирувчи мисол келтиринг |
| У | Фикрингизни умумлаштиринг. |

**Назорат учун саволлар:**

1. Армияда иш юритишнинг асосий қоидалари. Хизмат хужжатлари турлари. Иш юритишнинг ташкил этилиши ва вазифалари?
2. Хизмат хужжатлари назорати, ҳисоботи ва улар билан ишлаш ҳусусиятлари, ҳарбий хизматчилар, ҳарбий қисм ва муассасалар ишчи-хизматчиларига ҳужжат бериш ва расмийлаштириш қоидалари?

**"Т – схема" жадвалини тўлдиринг**

| Ижобий томонлари | Салбий томонлари |
|---|---|
| | |

**Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси**

1.Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2.Биринчи саволга жавоб беринг.

3.Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

**“Д”** ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

**“С”** ҳарфи – муаммо сабабларини,

**“О.О.Й.”** ҳарфлари – муаммони олдини олиш йўллари.

4.Ушбу белгилар 2,3,4 саволларга ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

**Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома.**

1.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.

2. Гуруҳ сардорини танланг.

3.Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг.

**Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали**

| Муаммони тасдиқловчи далиллари | Муаммони келиб чиқиш сабаблари | Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим | Гуруҳ ечими |
|---|---|---|---|
| | | | |

Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

**Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Гуруҳлар рўйхати | Гуруҳ фаол Макс. 1 б | Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс. 4 б | Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс. 5 б | Жами макс. 10 б |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

8-10 балл – “аъло”, 6- 8 балл – “яхши”, 4- 6 балл – “қониқарли”, 0 -4 балл – “қониқарсиз”.

**Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг технологик чизмаси**

1. Инсерт жадвалини тўлдириш қоидаси билан таништиради.
2. Якка тартибда ўзлари жадвални тўлдириш вазифасини беради.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштириш - матнда белгиланган қуйидаги белгиларга мувофиқ жадвал устунларига киритиш вазифасини беради:
“V”- мен билган маълумотларга мос;
“-“ - мен билган маълумотларга зид;
“+” - мен учун янги маълумот;
“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

Жадвалда ёзилган ахборотни муҳокамасини ташкил этади.



Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун бериладиган имтиёзлар

# Инсерт жадвали

| V | + | – | ? |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |

# Кластер

- (Кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.
- Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради.



**Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг технологик чизмаси**

1. Кластерни тузиш қоидаси билан таништиради.
2. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади

**1-вариант**
Якка тартибда қуйидагиларни бажариш вазифаси беради: бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшиш. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштиш. Бу “йўлдошларда” “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин.

Муҳокама учун кластерлар билан алмашишни таклиф этади.

**2-вариант**
Янги мавзуни тушинтириш жараёнида кластерни жамоавий тўлдиришни ташкил этади.

**3-вариант**
Кичик гуруҳларда кластерни ишлаб чиқиш вазифасини беради.

Бажарилган ишнинг тақдимотини ва муҳокамасини ташкил этади.


Резирчилар хизмати
Контракт асосида хизмат
СЧР хизмат
Қуролли Кучлар хизмат турлари
Муддатли хизмат

# Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

- **Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ -** Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим.
- Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



# Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|---|---|---|
| | | |